



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Форфейтинг - халқаро савдони кредитлаш усули

Умаров Зафар Абсаматович

Тошкент молия институти кафедра мудир

Ёзишмалар учун электрон почта: umarovz@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 2.10.2022

Қабул қилинган вақти: 29.11.2022

Таянч сўз ва иборалар: форфейтинг, форфейтор, вексель, кафолат, банк кафолати, банк, кредит, аккредитив, экспортчи, импортчи, халқаро савдо.

Аннотация

Мақола форфейтинг моҳияти, форфейтингни амалга ошириш воситалари, афзалликлари, хусусиятлари, унинг экспортчи ва импортчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларидаги ўрни ва аҳамияти, форфейтингни амалган ошириш масалаларига бағишланган.

Forfeiting as a method of crediting international trade

Umarov Zafar Absamatovich

Department chair in Tashkent institute of finance

e-mail for corresponding the author: umarovz@mail.ru

ARTICLE INFO

Received: 2.10.2022

Accepted: 29.10.2022

Keywords: forfeiture, forfeiture, promissory note, guarantee, bank guarantee, bank, credit, letter of credit, exporter, importer, international trade.

Abstract

The article is devoted to the essence of forfeiting, the means, advantages, and features of forfeiting, its role and importance in economic relations between the exporter and importer, and issues of forfeiting.

Кириш

Хар қандай шароитда ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, сотувчи ва истеъмолчи ўртасида муносабат ўрнатилиши, айниқса сотувчи ва харидор турли хил давлатларда жойлашганда халқаро савдонинг аҳамияти ва роли доимий равишда ўсиб боради.

Банклар ва бошқа молия институтлари турли хил компанияларга халқаро савдони ташкил қилишга ёрдам беради, товарлар ва хизматлар дунё бўйлаб муаммосиз ва хавфсиз ҳаракатланиши учун рискларни камайтиради. Тижорат банкларининг айниқса савдони молиялаштириш соҳасида олиб бораётган ишлари экспортчи ва импортчи корхоналар учун муҳим, айниқса, бу кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун жуда аҳамиятли. Хар доим ҳам корхоналар товарларни, хизматларни импорт ёки экспорт қилиш

учун зарур маблағларни жалб қилиш учун ресурсларга эга бўлмайди.

Корхоналар экспорт ва импорт операцияларини молиялаштириш учун турли хил воситалардан фойдаланади, жумладан, кредит, факторинг, форфейтинг, кафолат шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони (Фармон, 2022) да Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш мақсади қўйилган ва бунда экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш вазифаси белгиланган. Бу вазифани ҳал қилиш учун хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон экспортчи

корхоналари учун янги молиялаштириш воситаларини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, кўплаб ривожланган мамлакатларда ташқи савдони молиялаштириш воситаларидан бири форфейтинг ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Фортейтинг факторинг сингари дебиторлик қарздорликни камайтириш ва бошқариш усули ҳисобланади, шу билан бирга молиялаштириш манбаи ҳамдир.

Форфейтинг масаласи маҳаллий адабиётларда, илмий мақолаларда кам муҳокама қилинганини кўришимиз мумкин. Шундай бўлса-да, проф. Ш.З.Абдуллаева форфейтинг масаласини талаба ёшларга, соҳа мутахассисларига атрофлича тушунтириб беришга ҳаракат қилган. Жумладан, халқаро савдони молиялаштиришнинг муқобил шакли сифатида қараб, харидорнинг сотувчи олдидаги мажбуриятининг молиявий агент томонидан сотиб олиниши банкнинг форфейтинг хизмати [10] эканлигини қайд этади. Шу билан бирга қарзни сотиб олувчи (форфейтер) қарздорлардан пул маблағларини ундириб олиш имконияти бўлмаганда, кредиторга нисбатан регресс талаби билан чиқиши ҳуқуқидан воз кечиши тўғрисидаги мажбуриятнинг ўз зиммасига олишига урғу беради.

Айнан мана шу ҳолат, яъни дебиторлик қарзини регресс ҳуқуқисиз сотиб олиниши ҳам форфейтингда сотувчининг рискдан холи бўлишини кафолатлайди.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар гуруҳи Т.М.Қоралиев раҳбарлигида чоп этилган “Хорижий мамлакатларда банк иши” ўқув қўлланмасида фортейтинг масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Фортейтинг ўзида экспортни молиялаштириш ва рискни суғурталаш механизмини мужассам этади. У давлат томонидан экспортни кредитлаш ва суғурталаш механизмини кенгайтиради. Кўпчилик экспортёрлар форфейтингни орзу қилишади, чунки у экспортнинг давлат томонидан суғурта қилинмайдиган кўп рискларни суғурта қилади. Форфейтинг хизматларини ҳозирда жуда кўпчилик йирик банклар ўз зиммаларига олган. Фақат Лондон шаҳрининг ўзида уларни сони 100 дан ошиқдир [14]. Бундан кўриниб турибдики муаллифлар форфейтинг операциясини экспортни молиялаштириш, рискни суғурталаш механизми сифатида қарайди ҳамда экспортчилар учун жуда муҳим операция эканлигига урғу беради.

Форфейтинг ҳар бир мамлакат қонунчилигида, балки халқаро ҳуқуқ нормаларида ҳам кенг қўлланилади. Жумладан, Халқаро савдо палатасининг 800 сонли “Форфейтинг учун ягона қоидалар [8]” да форфейтинг тўғрисидаги бир қатор қоидалар белгиланган ҳамда уларга бўйсунини аниқ кўрсатадиган. Ушбу қоидалар 2013 йил 1-январдан кучга кирган бўлса-да, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (УНСИТРАЛ) томонидан 2017 йил 14-июлда Вена шаҳрида бўлиб ўтган 50-ялпи мажлисида

расман маъқулланган. Унга кўра форфейтинг - экспортчининг келгусида тўланиши лозим бўлган дебиторлик қарзини регресс ҳуқуқисиз дисконтлаш асосидаги савдони молиялаштириш усули, бундай восита импортер ёки банк/молия институтининг қарз мажбуриятини тасдиқлайди ёки экспорт операцияси бўйича тузилган аккредитив, захира аккредитив, кафолат, авал, вексель ёки оддий вексель бўйича тўлов талабини тасдиқлайди [18]. Бу таърифга эътибор қаратадиган бўлсак, форфейтинг операциясини амалга ошириш учун турли хил қарз мажбуриятларини тасдиқлайдиган воситалар бўлиши ҳамда дебитор қарздорлик регресс ҳуқуқисиз сотиб олиш асосида савдони молиялаштиришни назарда тутди. Бу форфейтинг операциясига берилган кенгайтирилган таъриф деб эътироф этсак бўлади.

Форфейтинг - контрагентлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг битимларда иштирок этиш кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда ташқи иқтисодий операцияларни кредитлаш шакли [13] сифатида қаралиши форфейтингни нафақат кредитлаш ёки молиялаштириш шакли, балки халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш воситаси сифатида ҳам қараш мумкинлигини кўрсатади.

Шу билан бирга кўпчилик тадқиқотларда форфейтинг операциясини фақат вексель билан боғланганлиги кўрсак бўлади. Жумладан, Ф.Бобобеков кредитлашнинг форфейтинг шаклида тижорат векселлари, тижорат банки томонидан, дисконт ставкаси бўйича, мол етказиб берувчидан регресс ҳуқуқисиз сотиб олишини [12] қайд этади. Шу билан бирга форфейтингни асосий камчиликлардан бири регресс ҳуқуқисиз векселларни сотиб олишини назарда тутди. Ушбу ёндашув форфейтингнинг асл моҳиятидан четлашишга олиб келади.

Фортейтинг факторинг операциясини давом ва кенгайтириш ҳисобланади. У экспортни молиялаштиришда импортёр векселини регресс ҳуқуқисиз ҳисобга олиш йўли билан молиялаштиришдан иборат [14]. Ушбу ёндашувда ҳам вексел муомалаласи фойфейтинг учун асос бўлиши қайд этилади.

Форфейтинг тижорат кредитининг банк кредитига айланиши билан боғлиқ операция ҳисобланади. Форфейтинг операцияларида ишлатиладиган молиявий воситалар банклардаги анъанавий савдо векселлари ҳисоб-китоблари каби қўлланилади [11]. Бунда ҳам форфейтинг айнан вексел муомалалари билан боғланган. Бу билан вексел бўлмаса форфейтинг ҳам йўқ деган маъно келиб чиқади.

Форфейтинг бу маълум бир тўлов режасига боғлиқ бўлган дебиторлик қарзларини регресс ҳуқуқисиз, маълум комиссия ва чегирма қийматида ундириб оладиган форфейтерга ёки банкка ўтказишдир. Полис ва облигациялар билан боғлиқ дебиторлик қарзлар форфейтинг операциясининг предмети бўлган дебиторлик қарзлари ҳисобланади [7]. Ушбу ёндашувда муаллиф фикрига таянадиган бўлсак Туркияда форфейтинг операциясида облигациядан ҳам фойдаланишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Форфейтингнинг ўзига хос жиҳати шундаки,

банклар ёки форфейтинг компаниялари етказиб берувчига одатда айирбошлаш ҳужжатлари (масалан, векселлар) бўлган даъволар бўйича олдиндан тўловни амалга оширадилар ва экспорт талабларини экспорт қилувчига тўлов талаб қилмасдан амалга оширадилар [9]. Бунда ҳам форфейтинг вексел асосида амалга оширилиши кўришимиз мумкин.

Ушбу фикрларни умумлаштириб форфейтинг - бу савдони молиялаштириш усули бўлиб, унга кўра форфейтер (банк, форфейтинг компанияси) товарлар ва/ёки хизматларни етказиб беришда юзага келган қарз мажбуриятларини регресс ҳуқуқисиз сотиб олади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда абстракт фикрлаш, тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш каби методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Жаҳон бозори бизнес учун муҳим, кўплаб компаниялар ушбу бозорга кириб бориши учун, айниқса кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун банк хизматларидан фойдаланиш даражасига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Савдони молиялаштириш компанияларга товарлар ва хизматларни импорт қилиш ёки экспорт қилиш билан боғлиқ рискларни юмшатиш имконини беради, бу эса жаҳон савдосининг прогноз қилинадиган ва рисксиз тарзда ўтишига шароит яратиб беради.

Савдони молиялаштириш ўтган асрда халқаро савдони кенгайтиришнинг асосий катализатори бўлди ва ҳозирда банк воситачилигидаги операциялар жаҳон савдосининг учдан биридан кўпроғини ташкил этади, бу ҳар йили триллионлаб долларга тенгдир [16].

Савдони молиялаштириш усулидан бири ҳисобланган фойфейтингни айрим масалаларини тадқиқ қилсак.

Форфейтинг битимининг объекти экспортчи (сотувчи) томонидан импортчига (харидорга) тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) шартлари асосида сотилган товарлар ва хизматлардир.

Битим субъектлари қуйидагилар: экспортчи (сотувчи, етказиб берувчи компания), импортчи (харидор компания), форфейтер (тижорат банки, форфейтер компанияси) ва бошқа молиявий воситачилар (экспортчига хизмат кўрсатувчи тижорат банки ва импортчига хизмат кўрсатувчи тижорат банки). Харидорнинг сотувчи олдидаги мажбурияти вексел, аккредитив, тўлов кафолати (масалан, банк кафолати) шаклида амалга оширилади.

Вексель — вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир қатъий мажбуриятини тасдиқловчи нозмиссиявий қимматли қоғоз [3].

Аккредитив — тўловчи томонидан тўланган ёки тўланиши лозим бўлган маблағ шартнома шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда, маблағларни олувчининг

ҳисобига ўтказилишига доир банкнинг шартли мажбурияти [2].

Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради [1].

Форфейтинг халқаро савдо ҳамжамиятини молиявий маблағ билан таъминлашни осонлаштиради. У тўловнинг ликвидлигини тасдиқловчи воситаларни яратиш қобилиятига эга. Қарз мажбуриятларни бажаришни осонлаштириб, форфейтинг етказиб берилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловни олиш воситаси сифатидагина эмас, балки молиявий таъминлаш учун ҳам фойдаланишга имкон беради.

Савдо ва таъминот занжирини молиялаштиришнинг стандарт таърифи форфейтингни “дебиторлик қарзларини сотиб олиш шакли сифатида белгилайди. Бу муомалага чиқариладиган ёки ўтказиладиган молиявий воситалар билан ифодаланадиган келажакдаги тўлов мажбуриятларини регресс ҳуқуқисиз сотиб олиш, чегирма билан ёки номинал қийматида тўлови эвазига молиялаштириш” сифатида эътироф этади.

Форфейтинг битимида, экспорт қилувчи, банк ёки молия агентида пул тўлаш эвазига олди-сотди шартномаси бўйича импортчига етказиб берилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловни импортчидан талаб қилиш ҳуқуқини форфейтерга беришга рози бўлади.

Тўлов эвазига форфейтер экспортчининг дебиторлик қарзларини сотиб олади ва импортчи томонидан тўлов рискни ўз зиммасига олади. Шу тариқа экспортчи ҳисоб-китобларда ҳар қандай молиявий рискдан халос бўлади ва фақат сотилаётган товарлар ва/ёки хизматларнинг сифати ва ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

“Форфейтинг” сўзи французча “forfeit” сўзидан олинган бўлиб, дебиторлик қарзлари бўйича ҳуқуқни ўтказишни англатади [15]. Масалан, экспортчи форфейтер фойдасига ўзининг дебиторлик қарзларини ўтказиб беради.

Форфейтинг дастлаб 1950-йилларда Швейцарияда қўланилган. Дастлабки мақсад капитал қўйилма учун товарларни экспорт қилувчиларга ёрдам бериш эди, чунки капитал қўйилма учун товарларни импорт қилувчилар тўловни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектлари, асосий воситалар ишга туширилгандан кейин, тўловни амалга оширишга ҳаракат қилган бўлса, экспортчи очиқ ҳисобварақ асосида сотишни хоҳламаган. Яъни очиқ ҳисобварақ бўйича сотилган товар ва хизматлар учун тўловлар кечиктириб бажарилган.

Форфейтингнинг асосий хусусиятлари нимада ва қайси ташкилотлар форфейтер вазифасини бажаради?

Форфейтинг - бу кенг доирадаги контрагентлар, маҳаллий ва халқаро операциялар эҳтиёжларига

мослаштирилиши мумкин бўлган мослашувчан дисконтлаш усули сифатида халқаро амалиётда экспортни молиялаштиришда кенг қўлланилмоқда.

Унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

- дебиторлик қарзини регресс ҳуқуқисиз 100% молиялаштириш;
- тўлов мажбурияти кўпинча, лекин ҳар доим ҳам банк кафолати шакли билан қўллаб-қувватланмайди;
- дебиторлик қарзи, одатда, вексел, ўтказма вексел, кафолат, аккредитив каби қонуний кучга кирадиган ва ўтказилиши мумкин бўлган тўлов мажбурияти билан тасдиқланади;
- халқаро амалиётда транзакция қиймати 100 000 дан 200 миллион АҚШ долларигача бўлиши мумкин;
- қарз воситалари одатда дунёнинг асосий валюталаридан бирида ифодаланади, бунда Евро ва АҚШ доллари энг кенг тарқалган.
- молиялаштириш қатъий ёки ўзгарувчан фоиз ставкаси асосида амалга оширилиши мумкин;
- дисконтланган дебиторлик қарзларининг тўлов муддати 6 ой дан 10 йилгача бўлиши мумкин;
- битимларни тез тузиш;
- индивидуал молиялаштириш ечимлари, яъни ҳар бир операция бўйича алоҳида ёндашув бўлиши мумкин.

Форфейтер ихтисослаштирилган форфейтинг фирмаси ёки тижорат банкининг дебиторлик қарзларини сотиб олиш йўли билан экспортни регресс ҳуқуқисиз молиялаштиришни амалга оширадиган бўлиши мумкин.

Форфейтинг қандай ишлайди?

Форфейтинг битимини амалга ошириш асосан беш босқичда амалга оширилади, лекин бу дебиторлик қарздорликни қайси восита билан сотишга амалга ошириш босқичлари ўзгаради. Дастлаб асосий босқичларни кўриб ўтсак.

1. Форфейтер билан музокаралар ўтказиш.
2. Экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида савдо шартномасини тузиш.
3. Форфейтинг шартномасини тузиш.
4. Экспорт битимини амалга ошириш.
5. Форфейтинг шартномасини амалга ошириш.

Биринчи босқичда экспортчи форфейтерга келажакдаги экспорт операциясини молиялаштириш таклифи билан мурожаат қилади, бунда аввалроқ ариза топширилади ва ундаги асосий параметрлар кўрсатилади, хусусан: шартнома объектининг тавсифи; унинг миқдори ва харажат хусусиятлари; ишлаб чиқариш вақти; жўнатиш шартлари; ҳужжатлар рўйхати.

Форфейтер экспортчи билан боғланади ва у билан форфейтинг шартномасининг техник жиҳатларини муҳокама қилади: қайси молиялаштириш воситаси ва молиялаштириш схемаси, харажатлар ва тўлов миқдори. Кейинчалик, тузилиши режалаштирилган шартноманинг параметрлари тузатилади ва молиялаштириш қиймати ҳисобланади.

Иккинчи босқичда экспортчи ва импорт қилувчи ўртасида савдо шартномаси тузилади, унинг предмети

товарни етказиб бериш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш асосида ишларни бажариш ҳисобланади. Ушбу босқични амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, экспортчи кредитор сифатида иш олиб бориб, импортчини молиялаштириш учун қайси усулдан фойдаланиш бўйича таклиф қилиши керак, иккинчисининг вазифаси эса аккредитив очиш, кафолат бериш бўлиб қолади.

Учинчи босқичда экспортчи ва форфейтер ўзаро форфейтинг шартномасини тузадилар, унинг шarti шартноманинг барча иштирокчилари ўртасида, вексел, аккредитив ёки кафолатнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Шартномага мувофиқ, форфейтернинг асосий мажбурияти экспортчи томонидан дебитор қарзнинг мавжудлигини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказилганлиги фактини тасдиқловчи барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганда маълум шартлар асосида қарзни сотиб олишдан ёки тўловни амалга оширишдан иборат. Форфейтерга импорт қилувчи ёки импорт қилувчи банкдан келажакда тўловни олиш ҳуқуқининг берилиши. Импорт қилувчи қарз мажбурияти бўйича тўловчи бўлганлиги сабабли, тўловлар у томонидан маълум вақт оралиғида пул маблағлари кўринишида амалга оширилишини назарда тутати. Экспорт қилувчининг мажбурияти импорт қилувчига товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш ва форфейтерга тегишли ҳужжатлар пакетини тақдим этишдан иборат. Форфейтернинг мажбурияти экспорт қилувчи фойдасига пул ўтказишдир.

Тўртинчи босқичда импортчи ўз банкига олдиндан келишилган шартларда аккредитив очиш буйруғини беради ёки кафолат олади. Аккредитив очилганлиги ёки кафолат тўғрисида экспортчи банкига хабар беради, шундан сўнг экспортчи ўз маҳсулотини импорт қилувчига сотади.

Бешинчи босқичда экспорт битими бўйича ўз мажбуриятларини бажарган экспортчи форфейтерга ҳужжатлар тўпламини тақдим этади. Форфейтер тўловни форфейтинг молиялаштириш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда амалга оширади ва олинган ҳужжатлар тўғрисида импортчи банкига хабар беради, бу эса ўз навбатида уларнинг ҳақиқийлигини текширгандан сўнг импортчига тўлов тўғрисида билдиришнома юборади. Импорт қилувчи ёки унинг банки тўлов муддати етиб келганда форфейтерга тўлиқ суммани ўтказиб беради.

Форфейтинг қандай ишлашни батафсилроқ кўрсатиш учун бу ерда ҳисоб-китоблар форфейтинг билан ва форфейтингсиз қандай кўринишига мисол келтирамиз.

Форфейтингсиз вексел бўйича ҳисоб-китоблар намунаси.

Банк вексел бўйича одатий ташқи савдо операцияси товарнинг харидори ва сотувчиси турли мамлакатларда бўлганда қуйидаги кўринишга эга бўлади.



1-расм. Вексел билан ҳисоб-китоблар (форфейтингсиз)[15]¹

1-қадам: АҚШ автомобил компанияси (импорт қилувчи) ва Хитой автомобил эҳтиёт қисмлари компанияси (экспорт қилувчи) товарларнинг тафсилотлари, жўнатиш ва тўлов шартлари бўйича келишиб оладилар. Импорт қилувчи кейинроқ тўлашни афзал кўрганлиги сабабли, экспортчи импортчининг тўлов рискинни ўз зиммасига олишни истамайди ва ҳар қандай шаклда банк кафолатини сўрайди, шундан сўнг вексел билан ҳисоб-китоб қилишга келишилади.

2-қадам: Импорт қилувчи АҚШ банкига мурожаат қилади ва унинг Хитой компанияси билан келишув тафсилотларини тақдим этади ва векселни чиқаради.

3-қадам: АҚШ банки векселни ҳисобга олади ва импортчига беради.

4-қадам: Импортчи векселни экспорт қилувчига юборади

5-қадам: Экспортчи ўз келишувига биноан товарларни жўнатади

6-қадам: Уларнинг келишувига кўра, ҳисоб-китоб қилувчи банк векселда кўрсатилган соф суммани экспортчига келишилган санада (2021 йил 15-декабр) тўлайди.

Ушбу турдаги ҳисоб-китобларда 6 ойлик муддат давомида экспортчи қуйдаги рискларни ўз

зиммасига олади:

- векселни ҳисобга олган банкнинг рискин;
- валюта курси ўзгариши рискин;
- фоиз ставкаси бўйича юзага келадиган рискин;
- 6 ой ичида кейинги ишлаб чиқариш учун харажатларни молиялаштиришни.

Вексел асосида форфейтинг операция намунаси.

Оддий форфейтинг транзакцияси қуйдаги расмдаги сингари кўринади. Харидор ва сотувчи турли мамлакатларда жойлашган бўлиб, экспортчи ва импортчи ўртасида товар етказиб бериш бўйича музокаралар жараёнида импортчи товар кредити шартларини сўрайди. Шу асосда форфейтинг операциясини амалга ошириш учун замин яратилади.

Банк (фортейтер) экспортёрдан чегирма билан векселни сотиб олади. Шу билан у тўловнинг тўланмаслик билан боғлиқ бўлган ёки импортёр томонидан тўловнинг кечиктирилиши каби барча рискларни ўз зиммасига олади, бундан ташқари, у экспортёрга эътироз билан мурожаат қилиш ваколатидан ҳам айрилган бўлади. Форфейтер ўзига хаттоки импортёрнинг банкрот бўлиши ва кафиллик рискинни ҳам ўз зиммасига олади. Чегирма миқдор (дисконт)и импортёрнинг рейтинига, давлат ва валюта рискига қараб белгиланади[14].

¹ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди



2-расм. Вексел асосида форфейтинг[15]

1-қадам: Экспортчи форфейтерга мурожаат қилади (бошқа тижорат банки, форфейтер компанияси ҳам бўлиши мумкин) ва у 6 ой давомида АҚШ банкининг рискин қабул қиладими ёки йўқми, унинг нархи қанча бўлиши мумкинлигини сўрайди. Ушбу босқичда форфейтер қуйидагиларни билиши керак:

- Импорт қилувчининг мамлакат
- Асосий ҳисоб-китоб шартлари (масалан, импорт қилувчининг номи, товар тури, товар қиймати, кутилатган жўнатиш санаси)
- Импорт қилувчи томонидан талаб қилинадиган тўлов шартлари
- Банк кафолати формати қандай бўлади (аккредитив, вексел ва бошқалар).

2-қадам: Форфейтер экспортчига сарфланган харажатлар ҳақида маълумот беради.

3-қадам: Экспортчи форфейтердан векселни чегирма мажбуриятини олишини сўраши мумкин. Форфейтер экспортчи томонидан қабул қилинган ва ҳар икки томон учун мажбурий бўлган мажбуриятни чиқаради. Ушбу мажбурият қуйидаги фикрларни ўз ичига олади:

- Асосий тижорат битими тафсилотлари
- Форфейтер томонидан сотиб олинган қарз воситаларининг тавсифи
- Бошқа ҳар қандай тўловлар билан биргаликда қўлланиладиган чегирма (фоиз) ставкаси
- Форфейтер сотиб олинаётган қарзнинг ҳақиқий ва мажбурий эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун талаб қиладиган ҳужжатлар
- Экспорт қилувчи ушбу ҳужжатларни

форфейтерга топшириши мумкин бўлган охириг сана

4-қадам: Бунинг эвазига импорт қилувчи ўз банкидан кафолат олади (вексел ва бошқалар бўлиши мумкин), АҚШ банки векселни текширади ва форфейтингни яқунлаш учун экспортчи талаб қиладиган ҳужжатларни тақдим этади.

5-қадам: Импорт қилувчи тасдиқланган векселни экспорт қилувчига юборади

6-қадам: Экспортчи ўз шартномасига мувофиқ товарларни жўнатади

7-қадам: Экспортчи форфейтерга векселни тасдиқлайди ва импорт қилувчи банкка индоссамент ҳақида хабар беради

8-қадам: АҚШ банки форфейтерни янги вексел эгаси сифатида тан олади ва тўлов санасида тўлов экспортчи ўрнига тўғридан-тўғри форфейтерга амалга оширилишини тасдиқлайди.

9-қадам: Форфейтер вексел чегирмаларини амалга оширади ва соф суммани экспортчи ҳисобига юборади.

10-қадам: Келишилган тўлов санасида АҚШ банки соф суммани форфейтерга тўлайди

Ушбу мисолда, экспортчи учун форфейтингнинг бир қанча аниқ афзалликлари бор:

- ҳисоб-китоблар регресс ҳуқуқсиз бўлганлиги сабабли, у импорт қилувчининг сиёсий, трансфер ва тижорат рискин йўқ қилади,
- экспорт қилувчини келажакдаги фоиз ставкаларининг ошиши ёки валюта курсининг ўзгаришидан ҳимоя қилади
- экспортчига узоқроқ тўлов шартларини тақдим


этиш ва шу билан бирга тушумни нақд пул олиш имкониятини беради.

- экспорт қилувчига мамлакат хавфи жуда юқори бўлган мамлакатларда бизнес юритиш имконини беради.

- экспорт қилувчининг балансида дебиторлик қарзларини камайтиради.

- импорт қилувчи етказиб берувчи / экспортчидан форфейтинг орқали қўшимча кредит олади.

Форфейтинг қандай ишлашига мисоллар.



3-расм. Дисконтланган (чегирмали) аккредитивлар асосида форфейтинг[15]²

1. Форфейтинг шартлари экспортчи ва форфейтер ўртасида келишилади

2. Импортчи ва экспортчи асосий савдо учун тижорат шартномаси тузилади

3. Импортчи ўз банкига аккредитив очиш бўйича кўрсатма беради.

4. Импортчи банки аккредитив очилганлиги тўғрисида огоҳлантириш ва/ёки тасдиқлаш учун экспортчи банкига хабар берилади.

5. Экспортчи банки аккредитив очилганлиги тўғрисида экспортчига маълумот беради

6. Экспортчи товарларни жўнатади.

7. Экспортчи товарларга оид ҳужжатларни ўз

банкига тақдим этади.

8. Экспортчининг банки ҳужжатларни импорт қилувчининг банкига юборади.


9. Экспортчи ўз ҳуқуқларини форфейтерга беради

10. Импорт қилувчининг банки тўловни форфейтерга тўлаш бўйича мажбуриятни қабул қилади.

11. Форфейтер аккредитивни чегирма қилади ва экспорт қилувчига тўлайди

12. Муддати тугагач, импортчи банки форфейтерга тўлайди

13. Импорт қилувчи ўз банкига тўловни тўлайди.



4-расм. Дисконтланган дебиторлик қарзлари асосида форфейтинг[15]³

² Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

³ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

1. Форфейтинг шартлари экспортчи ва экспортчи банки ўртасида келишилади, бу ҳолда банк форфейтер ҳисобланади.

2. Асосий савдо учун тижорат шартномаси тузилади.

3. Товар экспорт қилувчи томонидан импортёрга етказиб берилади.

4. Қарз воситаларини кафил банкка авал қилиш учун тақдим этилади. Битимлар вексел ёки ўтказма вексел каби қарз қимматли қоғозлар билан тасдиқланади.

5. Акцептланган қарз мажбуриятлари (векселлар) экспортчига етказиб берилади.

6. Тўлиқ тасдиқланган ҳужжатларни экспортчи банкка етказиб бериш.

7. Экспорт қилувчининг банки экспортчига чегирма билан шартнома қийматини тўлайди.

8. Муддати тугаши билан экспортчининг банки кафилга қарз воситасини тақдим этади.

9. Кафил банк экспорт қилувчининг банкка тўловни тўлайди.

10. Импорт қилувчи ўз банкка тўлайди.

Форфейтинг ва факторинг - фарқи нимада?

“Регресс ҳуқуқсиз” форфейтернинг тўламаслик рискинни ўз зиммасига олиши ва қабул қилишини англатади. Факторингда ўхшаб, форфейтинг товар чет эллик харидорга сотиш шартларига мувофиқ етказиб берилгандан сўнг, тўловни амалга оширмаслик рискинни деярли йўқ қилади.

Бироқ, омиллардан фарқли ўлароқ, форфейтерлар одатда капитал товарлар ва товарларни сотадиган ёки йирик лойиҳалар билан шуғулланадиган экспортчилар билан ишлайди ва шунинг учун 180 кундан етти йилгача ёки ундан кўпроқ узайтирилган кредит муддатларини таклиф қилиши керак.

Форфейтингда факторингдан фарқли ўлароқ, дебиторлик қарзлари одатда импорт қилувчи банк томонидан кафолатланади, бу эса экспортчига асосий молиявий кўрсаткичларни ошириш учун операцияни балансдан чиқариш имконини беради.

1-жадвал

Форфейтинг ва факторинг ўртасидаги ўзаро фарқлар ва боғлиқликлар

Мезонлар	Факторинг	Форфейтинг
Субъектлари	Банк ёки Факторинг компанияси. Сотувчи ва сотиб олувчи	Банк ёки форфейтинг компанияси. Сотувчи (экспортчи) ва сотиб олувчи (импортчи)
Объектлари	Пул талаблари	Қарз мажбуриятлари
Муддати	Қисқа муддатли (180 кунгача)	Қисқа ва узоқ муддатли (180 кундан 10 йилгача)
Дебитор қарздорликни сотиб олиш	Регресс ҳуқуқи ёки регресс ҳуқуқсиз	Регресс ҳуқуқсиз
Қарзни тўлаш	Сотувчи (экспортчи) шартнома қийматининг дисконтни ҳисобга олган ҳолда олади	Сотувчи (экспортчи) шартнома қийматининг тўлиқ суммасини олади
Шартнома тузиш	Факторинг шартномаси муддати ўтмаган дебитор қарздорлик бўйича тузилади	Форфейтинг шартномаси дебитор қарздорлик юзага келмасдан олдин, асосий олди-сотди шартномаси тузмасдан олдин тузилади.
Риск	Экспортчида факторинг турига боғлиқ ҳолда импортчининг тўламаслик рисқи сақланиб қолади	Экспортчи импортчининг тўламаслик рискидан холи
Операция қўлами	Маҳаллий ва халқаро	Халқаро
Ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган ҳужжатлар	Тўлов талабномаси, мемориал ордер	Вексел, аккредитив, банк кафолати
Қарзни бошқанинг фойдасига кечиш	Дебитор қарздорлик сотиб олингандан кейин учинчи шахсга сотилиши мумкин эмас	Дебитор қарздорлик сотиб олингандан кейин учинчи шахсга сотилиши мумкин, яъни форфейтингда иккиламчи бозор мавжуд.

Факторинг ва форфейтингнинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўриб чиқиш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ажратилиб кўрсатилсада, иккаласи

ҳам дебиторлик қарздорликни бошқариш ва камайтириш, савдони молиялаштириш усули, кредит муносабатларини шакллантирувчи операция, сотувчи

(экспортчи) учун рискларни суғурталаш воситаси, кредитлаётганлар учун даромад манбаи сифатида ҳар бир иштирокчи учун фойдали томонлари жуда кўп.

Халқаро амалиётда форфейтинг Халқаро Савдо Палатасининг Банк комиссияси (ICC) ва Халқаро Форфейтинг Ассоциацияси (IFA) томонидан қўшма лойиҳа сифатида ишлаб чиқилган “Форфейтинг учун ягона қоидалар (URF 800)” асосида амалга оширилади, бунда барча тегишли секторларнинг қонуний кутилмаларини ҳисобга олинган.

URF 800 нинг мақсади бутун дунё бўйлаб форфейтинг бозорларида қўлланилиши мумкин бўлган стандарт қоидалар тўпламини яратишдир.

URF 800 қоидалари, агар томонлар ўзларининг келишувлари ушбу қоидаларга бўйсунини аниқ

кўрсатсалар, форфейтинг битимиға нисбатан қўлланилади. Улар келишув бўйича ўзгартирилган ёки чиқариб ташланган ҳоллар бундан мустасно, барча томонлар учун мажбурийдир.

Халқаро амалиётда “Форфейтинг учун ягона қоидалар (URF 800)” форфейтингнинг бирламчи ва иккиламчи бозорида форфейтинг операцияларини амалга ошириш қоидаларини белгилаб беради. Бунга форфейтингда фойдаланилаётган воситаларни қўллаш бўйича тартиблар берилган, шартномаларнинг наъмунавий шакллари келтирилган.

Умуман олганда форфейтинг халқаро савдони молиялаштириш учун зарур бўлган меъёрий асос яратилган ва қўлланилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириш мумкин:

1. Форфейтинг - бу савдони молиялаштириш усули бўлиб, унга кўра форфейтер (банк, форфейтинг компанияси) товарлар ва/ёки хизматларни етказиб беришда юзага келган қарз мажбуриятларини регресс ҳуқуқсиз сотиб олади.

2. Форфейтинг экспортчи ва импортчи ўртасида 6 ойдан 10 йилгача бўлган муддатда юзага келадиган қарзлар ёки товар кредитини банк кредитига ўтказиш хусусиятига эга бўлган алоҳида кредитлаш шакли ҳисобланади.

3. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, форфейтинг нафақат вексель балки аккредитив, кафолат ва бошқа қарз мажбуриятларини тасдиқловчи шартномалар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу Ўзбекистон экспортчи ва импортчилари томонидан форфейтингдан фойдаланиш имкониятини яратиш беради.

4. Ўзбекистонда тижорат банкларида савдони молиялаштиришда, жумладан, экспорт олди молиялаштириш бўйича форфейтингдан фойдаланишда аккредитив, кафолат, сиёсий ва тижорат рисклардан суғурталанган экспорт шартномаларини қарз мажбурияти сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга ушбу ҳужжатларни тижорат банклари ички меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйишлари лозим

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 1995 йил 21 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисида”ги 3229-ниҳом, 2020 йил 13 апрель
3. Ўзбекистон республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎРҚ-387-сон Қонуни, 2015 йил 3 июнь
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

- стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони
5. Access to trade finance <https://iccwbo.org/global-issues-trends/banking-finance/access-trade-finance/>
6. <https://icc.academy/forfaiting-guide/>
7. Soydal, Haldun & Acet, Hakan & Sürücü, Şükrü. (2020). Dış Ticaret Finansmanında Faktoring ve Forfaiting Tekniği. The Journal of Academic Social Science Studies. 525-544.
8. UN endorses ICC Uniform Rules for Forfaiting-URF-800
9. Velentzas, John & Kartalis, Nick & Broni, Georgia. (2013). The Factoring And Forfaiting Contract As Contemporary Types Of Finance. Especially the Greek regulations. Procedia Economics and Finance. 5. 10.1016/S2212-5671(13)00088-9.
10. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. –Т.: Iqtisodmoliya, 2017. 732 бет.
11. Бахриддинов Н. Корхона инновацион фаолиятини молиялаштириш масалалари 25-06-2018
12. Бобобеков Ф.Р. Факторинг: муқобил молиявий хизмат тури ва унинг афзалликлари // “Логистика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнали 2021 йил IV сон, 80-89 бетлар
13. Попова Е.Ю. Совершенствование инновационно-финансового инструментария форфейтинговой формы финансирования инновационной деятельности. Автореферат диссертации к.э.н. Иркутск – 2014, 19 с.
14. Хорижий мамлакатларда банк иши. Ўқув қўлланма / Т.М.Қоралиев ва бошқалар. –Т.: Ношир, 2012 йил, 216 бет.
15. www.icc.academy
16. <https://iccwbo.org>
17. <https://finance.uz/>